2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

14 (616)

2008 йил 2 апрель

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
«Моҳир сарбон»да нима сотилади?
Касаначига буюртма келди...

3
Элмуроднинг «муроди» ушалмади-ку!..
Ҳар маҳаллага бир мироб...

4
Хазина топган чўпон
Уста дили пок бўлса, сози жарангдор бўлар...

-сахифда

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, СЕРЖАНТЛАР!

Мамлакатимизда ички ишлар идоралари учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис соҳанинг юқоридан қуйигача бўлган барча тузилмалари амалда сифат жиҳатидан бутунлай янгича асосда шакллантирилди. Чунончи, юртимизда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усул ва воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда жамоат хавфсизлиги, фуқаролар осойишталигини таъминлашнинг самарали тизимини қарор топтириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ўз навбатида ички ишлар идоралари олдидаги масъулиятли ва шарафли вазифаларни амалга оширишда тизим шахсий таркибини юксак малакали, профессионал кадрлар билан мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, мамлакатимиз ички ишлар идораларида хизмат қилиш орзусидаги йигит-қизларга Ёшлар йилида янада катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Улар соҳанинг ўзига хос сир-синоатларини ўрганишлари ва ҳар томонлама етук ходим бўлиб етишишлари учун Ички ишлар вазирлигининг академияси, Ёнғин хавфсизлиги олий-техник мактаби, Тошкент Олий ҳарбий-техник билим юртларида ўқиш-ўқитиш ишлари замон талаблари асосида йўлга қўйилган.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Ички ишлар вазирлигининг академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курси ҳам йилдан-йилга давр билан ҳамнафас, ҳар жиҳатдан чиниққан, юртимиз тинчлиги, фуқароларимиз осойишталигини таъминлашга қодир соҳа ходимларини тайёрлаш борасида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Қайд этиш жоизки, Олий курсда курсантларга назарий билимлар билан бир қаторда амалий кўникмаларни мустаҳкамлашга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу ердаги замонавий компьютер ва лингафон, жаноговартактик машғулотларни ўргатиш, спорт машқлари олиб бориш хоналари курсантлар ихтиёрида. Айниқса, ўқитишнинг самарали усуллари, мультимедиа ва замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилмоқда.

Куни кеча Ички ишлар вазирлигининг академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курсининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва кичик сержант унвонларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, олий таълим муассасаларининг раҳбарлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотлари, битирувчиларнинг ота-оналари ҳамда хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари вакиллари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов, академия бошлиғи вазифасини бажарувчи полковник А.Якубов, академия ўқитувчиси Э.Орифжонов, ота-оналар вакили Б.Нуруллаева ва бошқалар Президентимиз бошчилигида юртимизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғини бўлган ички ишлар идоралари тизимини ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, Олий курсда курсантларнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлигини юқори даражада шакллантиришга, уларда касбий тайёргарлик бўйича кўникмаларни ҳосил қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида мазкур Олий курсни битирган юзлаб сержантлар бугунги кунда ички ишлар идорларида жазони ижро этиш, ёнғин хавфсизлиги, йўл-патруль, патруль-пост хизмати, хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, кўриклаш ва бошқа хизматларда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Бизнинг ички ишлар тизими мутахассиси сифатида шаклланиб, назарий билим ва амалий кўникмаларни ҳар томонлама пухта эгаллашимизга барча шарт-шароитлар яратиб берилгани учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирамиз, — дейди битирувчи Д.Алимуҳамедов. — Ишонтириб айтамизки, мен ва барча сафдошларим қасамёдимизга содиқ қолиб, Ватанимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўлида бутун куч ва ғайратимизни ишга соламиз.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

28 март ва 1 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси И.Насриев «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Савол-жавоблардан кейин ҳужжат барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари иштирокида моддама-модда муҳокама қилинди. Депутатлар мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмитага уни учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказишни топширдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси Р.Рўзметов маъруза қилди. Ҳужжатни моддама-модда муҳокама қилиш чоғида депутатлар айрим ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклифлар киритдилар. Қонунчилик палатаси билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди.

«Ветеринария тўғрисида»ги ва «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси Қ.Иброҳимов тақдим этди. Савол-жавоблар ва қонун лойиҳаси батафсил муҳокама этилганидан кейин депутатлар унинг асосий қоидаларини маъқулладилар ҳамда ҳужжатни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзА)

Мавсум юмушлари

Тошкент вилояти

Замин бағрига илиқлик югурганига анча бўлди. Миришкор деҳқонларимиз аллақачон баҳорги экин-тикин ишларини бошлаб юборишган. Ҳар бир ер эгасининг ўй-хаёли баҳорданоқ кузда мўл ҳосил олиш, улкан хирмонлар уйиш тадоригини кўриш билан банд. Хайрли ташвиш, кўнгилли юмушлардир бу.

Тошкент вилояти Янгийўл тумани Ниёзбоши қишлоғидаги «Нормуҳаммад Барака» фермер хўжалигига тегишли 63,5 гектар майдонда экин-тикин ишлари авж паллада.

СУРАТДА: *хўжалик ишчиси, механизатор Дилшод Эргашев.*

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Навоий вилояти

«Истеъдод-2008» миллий эстрада қўшиқлари ижрочилари кўрик-танловининг Навоий вилояти босқичи якунланди. Унда шаҳар ва туманларда ғолибликни қўлга киритган ёш санъаткорлар иштирок этди.

МУСЛИМА — танлов ғолиби

Миллий эстрада қўшиқчилик санъатини ривожлантириш ҳамда иқтидорли ёшларни кашф этиш, уларнинг маҳоратини ошириш, элга танитиш мақсадида ўтказиб келинаётган мазкур танловда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан келган ёш санъаткорлар ўз маҳорат ва истеъдодини намойиш этди. Айниқса, Навоий шаҳридан Самандар Ҳамидов, карманалик Ойбек Собиров, нуроталик Охунжон Зиёдуллаев, навбаҳорлик Ҳабибулла Пирназаров, хатирчилик Анвар Бекназаровнинг чиқишлари барчага манзур бўлди.

Кўрик-танлов якунида Навоий шаҳар «Фарҳод» маданият саройи ҳонандаси Муслима Нуримбетова танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

— Яна нима дейсиз?
— Ўзбекнинг курагини ерга теккизиш осонмас.

Карор ва ижро

Андижон вилояти

ЗАМОНАВИЙ ТЕЛЕСТУДИЯ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзтелерадиокомпания тизимини техника билан комплекс қайта жиҳозлаш тўғрисида»ги қарорига биноан ўтган йилда вилоят телерадиокомпаниясига 2 миллиард 700 миллион сўмликдан зиёд замонавий теле-видео ускуналар ўрнатилган эди. Шунингдек, вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан маҳаллий телевидениедаги талабга жавоб бермай қолган телестудия мукаммал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бу ишларга 113 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

— Мазкур замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилгач, кунига ўн соатдан теледастурларни эфирга узата бошладик, — дейди вилоят телерадиокомпанияси директори Иброҳимжон Ҳалимбеков. — Биз бугун ижодий жамоамиз билан биргаликда тинимсиз изланиб, телекўрсатув ва радиоэшитиришларнинг бадиий савиясини оширишга, андижонликларни ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан янада кенгроқ бохабар этишга ҳаракат қиляпмиз. Хусусан, жорий Ёшлар йили муносабати билан ёшлар ҳаётига оид долзарб мавзуларда дастурлар тайёрлаб, махсус рукнлар остида эфирга узатишни йўлга қўйдик.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Ўқув-семинар

Қорақалпоғистон Республикаси

ФАОЛИЯТДА ИЛҒОРЛАР ФАОЛЛАРГА ЎРНАК

«Маҳалла» жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ташаббуси билан Беруний туманида жамғарманинг шаҳар, туман бўлинмалари мутасаддилари, ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари иштирокида кўргазмали ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Семинар иштирокчилари тумандаги Беруний номидаги ҳамда Шаббос овул фуқаролар йиғинларида бўлиб, ёшларни иш билан таъминлаш борасида амалиётга татбиқ этиб келинаётган дастурлар ижросини таъминлаш ҳамда боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар билан танишдилар. Шунингдек, семинар қатнашчилари, буюк мутафаккир олим, шу замин фарзанди Абу Райхон ал-Беруний ёдгорлигини зиёрат қилдилар.

Бугунги кунда туманда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли ишлар бажарилаётганлиги тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Улар Беруний шаҳридаги Дилбар Йўлдошева раҳбарлик қилаётган хусусий шифо маскани фаолияти билан танишдилар. Йигирма беш ўринли мазкур даволаш муассасаси замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Айни пайтда ушбу шифохонада аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиляпти.

— Бундан ташқари, туманимизда ёшларни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш мақсадида спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси Н.Айитов. — Яқиндагина Солий Кўзибоев номидаги овулда истиқомат қилаётган барча шароитларга эга усти ёпиқ спорт кошонаси қуриб битказилди. Бу ерда ёшлар спортнинг йигирмадан ортиқ тури бўйича шуғулланишмоқда. Тизим ходимлари иштирокида ўтадиган кўргазмали семинарлар фуқаролар йиғинларидаги илғор тажрибаларни оммалаштириш, тизим ходимларининг ўзаро фикр алмашишига хизмат қилади.

А.ИСКАНДАРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Спорт

ПОЛВОНЛАРИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида белбоғли кураш бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида қитъамизнинг ўн олти мамлакатидан келган юз нафарга яқин полвон эркин ва классик усул бўйича ғолиблик учун гиламга чиқди.

Классик усулда ўзбек полвонларидан Жаҳонгир Абдулҳаев барча рақибларини мағлубиятга учратиб, Осиё чемпионлиги ва мусобақа олтин медалига сазовор бўлди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Азизбек Эргашев, Искандар Маҳаматов, Муҳиддин Ашуров кумуш, Азизбек Миркомилов ва Нуриддин Ғозиев бронза медаль билан тақдирланди.

Эркин усулдаги баҳсларда ҳамюртимиз Рустам Умаровга тенг келадигани топилмади. Моҳир курашчимиз барча учрашувларда рақибларини мағлуб этиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Мансурбек Отажонов ва Зоҳиджон Жумақулов кумуш, Қодир Умрзоқов, Искандар Маҳаматов, Темур Шокиржонов бронза медални қўлга киритди.

Хотин-қизлар ўртасида уч нафар ҳамюртимиз — Гулзира Мирзараҳимова, Дилноза Исоқова ва Саҳобат Шералиеванинг чиқишлари бронза медалга лойиқ кўрилди.

Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) давлатимиз раҳбари томонидан спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ва юртимизда кўплаб спорт турлари қаторида футбол бўйича ҳам нуфузли мусобақаларни ўтказиш учун қулай шарт-шароитлар яратилганини инобатга олиб, жорий мавсумда 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг финал қисмини Ўзбекистонда ўтказишга қарор қилди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ:

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

2008 йилнинг 4-19 октябрь кунлари Тошкент шаҳри мезбонлик қиладиган нуфузли мусобақада саралаш турнирларидан муваффақиятли ўтган ўн олти мамлакатнинг терма жамоалари совринли ўринлар ва келаси йили ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг тўрт йўлланмаси учун куч синашади.

Пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида қуръа ташлаш маросими ўтказилди. Унга кўра, Роберт Гай устозлик қилаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси "А" гуруҳида Эрон, Сингапур ва Бахрайн футболчиларига қарши тўп сурадиган бўлди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Тахририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

Пойтахтимизда бир ҳафта давом этган Миср маданияти кунлари якунланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Давлат консерваторияси-да бўлиб ўтган тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон Давлат консерваторияси ректори Дилора Муродова, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Нодия Иброҳим Каффофий хоним Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги алоқалар барча жабҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарлари ўртасида имзоланган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидладилар.

Миср маданияти кунлари ранг-баранг ва қизиқарли тадбирларга бой бўлди. Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Тошкент ислом университети, Миллий санъат маркази ва бошқа бир қатор маърифий масканларда Мисрнинг «Ҳуррия» фольклор жамоаси иштирокида концерт дастури намойиш этилди. Мисрлик рассом Сайид Иброҳим Муҳаммад Кандийлнинг график асарлари ҳамда Авс ал-Ансорийнинг хаттотлик намуналаридан иборат кўргазма ўтказилди. Шу билан бирга, араб тили байрами, қизиқарли илмий анжуманлар, кўрик-танловлар ташкил этилди.

— Ўзбекистонда кўрганларим эшитган ва ўқиганларимдан зиёда экан, — дейди «Ҳуррия» фольклор жамоаси бадиий раҳбари Насриддин Муҳаммад Маҳмуд. — Жамоамизнинг «Офарин» рақс театри ва Ўзбекистон Давлат консерваторияси бадиий жамоалари билан ҳамкорликда намойиш этган дастурлари, бошқа маданий тадбирлар мобайнида халқингизнинг санъатга ихлоси баланд эканига гувоҳ бўлдик. Бундай тадбирлар икки халқ ўртасидаги дўстона ва маданий алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Фарғона вилояти

Ислоҳот самараси

ЙИҒИНда АХБОРОТ ТАРМОҒИ

у идораларо ахборот узатиш имконини яратади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган сайёр мажлисида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг вилоятдаги ижроси натижалари таҳлил этилди.

Тадбирни қўмита раиси Акмал Саидов олиб борди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, вилоятдаги шаҳар ва туманлар ҳокимликлари вакиллари, хотин-қизлар қўмиталари, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамда «Маҳалла» жамғармаси ва ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғинлари мутасаддилари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримизни тиклаш, ривожлантириш, келажак авлодга етказиш ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ғурур, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фуқаролар йиғинларининг ўрни катта эканини қайд этиб ўтишди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда вилоятда фаолият кўрсатаётган 1003 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги фаол иштирокини таъминлаш, кам таъминланган оилалар, ногиронларга моддий ёрдам бериш, ўз ҳудудининг озода ва кўркамлиги, оилалар осойишталигини сақлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилябти.

Вилоятда ҳар ҳафтада шаҳар, туман ҳокимликларида фуқаролар йиғинлари раислари иштирокида йиғилишлар ўтказилиб, ҳудуддаги муаммолар таҳлил қилинмоқда. Бундай йиғилишларда билдирилган таклифлар асосида ўтган йилда 98 та қишлоқ табиий газ, 110 та қишлоқ ичимлик суви билан таъминланган эди.

Ижроси кўриб чиқилаётган мазкур қонун талабларига мувофиқ жамоатчилик назоратини ташкил этишда вилоятдаги ўзини ўзи бошқариш органлари ўз тажрибасига эга. Шу кунларда бу тизимда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишга йўналтирилган яна бир янги лойиҳа амалда жорий этилаётгани ҳам диққатга сазовордир.

Сайёр йиғилишда қонун ижроси борасидаги мавжуд камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳам таҳлил этилди. Сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари тизимдаги раҳбарларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун маблағ топиш, улардан самарали фойдаланиш борасида яратилаётган ҳуқуқий меъёрларни мукаммал ўзлаштириши учун махсус ўқувларни ташкил этиш, шунингдек, қонунни ижро этишда фуқаролар йиғинларининг давлат ҳокимияти ва бошқа турли муассасалар билан ҳамкорлик қилишининг такомиллашган лойиҳаларини ташкил этиш юзасидан таклифлар билдиришди.

Муҳокама якунлари асосида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, Қўқон шаҳрида ҳам мазкур қўмита ташаббуси билан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришда замонавий информацион технологияларнинг ўрни» мавзусида семинар ўтказилди.

Айни пайтда Қўқон шаҳрида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳокимликлар, коммунал хизмат кўрсатиш идоралари ва бошқа субъектлар ўртасида маълумотлар узатиш тармоғи барпо этилишини назарда тутувчи «Стат-Назорат» тизими жорий этилаётир. Таъкидлаш жоизки, ушбу тизимнинг тўлиқ ишга тушиши билан юқорида қайд этилган қарорларнинг бажарилишини кам вақт, кам меҳнат ва кам маблағ сарфлаш эвазига назорат қилиш имкони юзага келади. «Стат-Назорат» тизимининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳокимликлар ва коммунал хизмат кўрсатиш идораларининг ҳудудий таркоқлиги шароитида ягона ахборот базасини ташкил этишдан иборат. Мазкур муассасаларда ишловчи ходимлар исталган вақтда мазкур тизим имкониятларидан фойдаланиб, коммунал ва бошқа хизматлар учун аҳолидан йиғиладиган тўловларнинг ҳолати тўғрисида тезкор равишда керакли маълумотларга эга бўлишлари мумкин.

Қўқон шаҳридаги бир қатор ҳомий ташкилотлар ёрдамида амалга оширилган ушбу лойиҳа талабларидан келиб чиқиб, мавжуд 65 та маҳалла фуқаролар йиғинлари зарур техник воситалар билан таъминланди. Мазкур техник воситаларнинг 55 таси тизимга уланган ва айни пайтда улардан 38 таси доимий равишда ишлаб турибди.

Шаҳар маҳаллаларида бу борада амалга оширилган дастлабки ишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, замонавий информацион технологиялардан унумли фойдаланилса, юқорида тилга олинган қатор масалаларда маҳалла аҳли, маҳаллий ҳокимлик ва бошқа бир қатор мутасадди идоралар ўртасидаги айрим тушунмовчиликлар бартараф этилади.

Шу маънода мазкур семинарда муҳокама этилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларини замонавий ахборот технологиялари билан таъминлаш борасида вужудга келган Қўқон тажрибаси бу соҳада олиб борилаётган ишларни таҳлил этиш, ютуқ ва камчиликлардан хулоса чиқариш имконини берди. Семинар давомида Қўқон шаҳридаги қатор маҳалла фуқаролар йиғинлари билан тўғридан-тўғри «он-лайн» тизими орқали мулоқот ҳам ўтказилди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоят ва Қўқон шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, адлия органлари ходимлари, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ мутахассислари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари иштирок этди.

МУХБИРИМИЗ

ЭНГ МОҲИР ҲУНАРМАНДЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган «Bazar art. Баҳор-2008» кўргазма-ярмаркаси якунига етди.

Иккинчи марта ташкил этилган «Bazar art» кўргазма-ярмаркасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимизнинг бир юз йигирмадан ортиқ ҳунарманди иштирок этди. Унда халқ амалий санъатининг барча йўналишларида фаолият кўрсатиб келаётган моҳир усталар билан бирга, миллий ҳунармандлик сирларини ўрганаётган ёш ижодкорларнинг ҳам ижодий ишлари билан атрофлича танишиш имкони яратилди.

Пойтахтлик Мадина Қосимбоева, Абдурашид Мадалиев, Насиба Аҳмедова, Рамазон Муҳаммаджонов, Шаҳноза Муминова , чирчиқлик Фанис Аҳмадниёзов, бухоролик Маҳфуза Салимова, Зулайҳо Каримова каби ҳунармандлар турли номинацияларда ғолиб бўлдилар.

Кўргазма-ярмарканинг бош соврини миллий либослар дизайнери Тоҳир Саидқуловга насиб этди. У Қозоғистонда бўлиб ўтадиган халқаро дизайнерлар ва модельерлар фестивалида иштирок этади.

(ЎзА)

Андижон вилояти

"МОҲИР САРБОН" ДЎКОНЛАРИ

ушбу махсус савдо шохобчаларида ер эгаларига минерал ўғитлар етказиб берилмоқда

Жорий йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда шахсий томорқалардан самарали фойдаланиш учун аҳолига минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, сифатли уруғлик, кўчат етказиб бериш устувор масала сифатида қайд этилган эди.

Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда вилоятнинг Бўз ва Улуғнор туманларида шахсий томорқа эгалари ва фермер хўжаликларига минерал ўғитлар етказиб берувчи махсус дўконлар фаолияти йўлга қўйилди. Вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамияти тизимидаги "Моҳир сарбон" савдо мажмуаси томонидан ташкил қилинган ушбу дўконлар сони бугунга келиб 29 тани ташкил этмоқда.

— Шунингдек, вилоятимиздаги шахсий томорқа эгаларига тўртта шохобча ва битта савдо базамиз хизмат кўрсатмоқда, — дейди "Моҳир сарбон" савдо мажмуаси раҳбари Ҳошимжон Назаров. — Ушбу шохобчалар очилиши билан ҳудуддаги ўттизга яқин киши иш билан таъминланди. Ҳозирда вилоят қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаб келадиган "Қўқонсуперфосат", "Фарғонаазот", "Олмалиқамофос", "Чирчиқэлектрохимпром" ва "Самарқандкимё" корхоналари билан шартнома тузганмиз.

Аҳамиятли томони шундаки, ихтисослашган мазкур дўконларда ер эгаларига қишлоқ хўжалиги экинлари учун зарур бўладиган минерал ўғитлар етказиб берилиши билан бирга тажрибали мутахассислар томонидан фермерларнинг малакасини ошириш мақсадида ўқув-семинарлари ҳам ташкил этилмоқда.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Самарқанд вилояти

Самарқанд шаҳридаги «Ёшлар маркази»да фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида ташкил этилган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари фаолияти самарадорлигини янада оширишга бағишланган ўқув-семинар ўтказилди.

ПОСБОНларга УСЛУБИЙ КЎМАК

Семинарда вилоятдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, диний экстремизмга қарши кураш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқароларнинг тинч-осойишта ва ҳамжиҳатликда яшашларини таъминлаш борасида «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг ўрни ва фаолияти таҳлил этилиб, зарур кўрсатма ва услубий қўлланмалар берилди.

— Бугунги кунда вилоят миқёсида 1067 та «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари мавжуд бўлиб, уларда 7269 нафар посбон фаолият юритмоқда, — дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси ўринбосари Амриддин Муҳиддинов, — Вилоят бўйича посбонлар томонидан аниқланган ҳуқуқбузарликлар сони 523 тани ташкил этган бўлса, улар ташаббуси билан турли мавзуларда фуқаролар ўртасида 414 та тадбирлар ўтказилди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, вилоятдаги 597 та маҳаллада умуман жиноят содир этилгани йўқ.

Рустам ҲАЙИТОВ,
«Mahalla» мухбири.

Маҳалла тизимида кимлар ишлайди?

Тошкент шаҳри

«ОДАМИ ЭРСАНГ...»

Бутун умри меҳнатда ўтган кишининг кексайгач, уйда оёқ узатиб ўтириши қийин бўлади. Мажид Қодировнинг ҳаётий хулосаси ҳам шундай эди. У кўп йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида тер тўкди. Пенсияга чиққач, ўзи ўйлагандек зерикиб қолмади — маҳалладошлари уни Мирзо Улуғбек туманидаги Шалола маҳалласи фуқаролар йиғинига раис этиб сайлашди. Мана, тўққиз йилдирки, у маҳаллага бош-қош.

— Оқсоқол ўз ортидан маҳалла аҳлини эргаштира олиши, кўпчиликнинг қалбига йўл топиб, уларнинг қувончу ташвишлари билан яшаши лозим, — дейди маҳалла фаоли, академик Шавкат Акмалхонов. — Мажидхон ана шундай инсонлардан. У ўзига билдирилган ишончни, масъулиятни чуқур ҳис қилади. Шунинг учун маҳалладошларимиз унга суянишади, бамаслаҳат иш тутишади. Мажидхонни Навоийнинг «Одами эрсанг демагил одами, Ониким йўқ халқ ғамидин ғами» мисраларини ўзининг ҳаётдаги шиорига айлантирган фидойи инсонлар қаторига қўшсак, хато қилмаймиз.

Бир пайтлар маҳалла идораси фаолият олиб бориш учун ҳеч қандай қулайликларга эга бўлмаган, кўримсиз бинода жойлашган эди. Мажид ака ҳомийларни жалб этиб, бинони капитал таъмирдан чиқарди, замонавий услубда жиҳозлади. Қисқаси, маҳалла идорасида йиғин ходимлари ва фуқаролар учун зарур қулайликлар яратилди.

Аҳолининг эҳтиёжманд қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишлар оқсоқолдан алоҳида эътибор талаб этади. Ўтган Ижтимоий ҳимоя йилида Мажид ака бошчилигида маҳалладаги 132 та кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилиб, 4 та оиланинг турар-жойи таъмирлаб берилди.

Ёш авлод тарбиясида ва фуқаролар маънавиятини ўстиришда маънавий-маърифий ишларнинг тўғри йўлга қўйилиши муҳим аҳамиятга эга. Маҳаллада ўтказилаётган «Алишер Навоий — эрк ва эзгулик қуйчиси», «Ўсмирлар тарбиясида ота-оналарнинг масъулияти», «Кийиниш маданияти», «Инсон саломатлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш», «Кўнгилни зийнатлаб келганда Наврўз» каби мавзулардаги тадбирларга таниқли фан арбоблари, соҳа мутахассислари ва катта ҳаётий тажрибага эга бўлган кишиларнинг таклиф этилаётгани уларнинг қизиқарли ва юқори савияда ўтишини таъминлаябти.

— Ҳудудимизда осойишталикни таъминлашда, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда профилактика нозири Рустам Турдибоев ва посбонлар сардори Муҳаммад Ражабовнинг муносиб ҳиссаси бор, — дейди Мажид ака. — Аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида туман соғлиқни сақлаш бўлими ҳамда 13-сонли поликлиника шифокорлари билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Турмуш қуриш истагида бўлган ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш масаласи ҳам диққат марказимизда. Бу ишни маслаҳатчимиз Марғубахон Муҳамедова ўз назоратига олган. Маҳалламизда оила қураётганлар томонидан тиббий кўрик натижаси ҳақидаги маълумотнома ҳамда ФҲДЁ бўлимидан берилган гувоҳнома тақдим этилгандан сўнг шаръий никоҳ ўқилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Маҳалла оқсоқолининг Ёшлар йилида амалга оширишни режалаштирган ишлари ҳам бисёр. Айни пайтда у фаоллар билан биргаликда ёшларни маҳалла ва жамоат ишларига жалб этиш, касб-ҳунарга йўналтириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун шароит яратиш, илғор ташаббусларини қўллаб-қувватлаш сингари масалалар устида иш олиб боряпти.

Тўхтасин ҒАНИЕВ,
меҳнат фахрийси.

Сурхондарё вилояти

Сурхон қишлоғида 24 оила дурадгор

Жарқўрғон туманидаги Сурхон қишлоқ фуқаролар йиғини ўзида 13 та маҳаллани жамлаган. Турсунпўлат Норбоев раислик қилаётган мазкур йиғинда қарийб 9 мингта оила фаровон турмуш кечириб келмоқда.

Маҳаллаларда миллий ҳунармандчилик, деҳқончилик ва уй меҳнатини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётир. Хусусан, 55 киши касаначилик асосида ишга жалб этилган. Улар Жарқўрғон пахта тозалаш заводи учун саноатда керакли қўлқоп, фартук, палага (пахта бунтларини ёпиш учун ишлатиладиган мато) ҳамда уй-рўзғор буюмлари тайёрлайди. Шунингдек, 14 та оила темирчилик, 24 оила дурадгорлик ва буюмлар ясаш билан шуғулланади. Бундан ташқари, бу ерда сабзавот ва полиз экинлари ҳам етиштирилади.

СУРАТДА: (чапдан) *ёғоч устачилиги билан шуғулланувчи Жўрақул Жўраев, йиғин раиси Турсунпўлат Норбоев ва маҳалла посбони Номоз Муротов.*

И.ХЎЖАЕВ *(ЎзА)* **олган сурат.**

Қашқадарё вилояти

КАСАНАЧИ КОРХОНАДАН БУЮРТМА ОЛДИ

Мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори воҳада ҳар йили минглаб фуқароларнинг, айниқса, уйда бўш ўтирадиган хотин-қизларнинг касаначилик билан шуғулланишлари учун кенг имконият яратиб бермоқда.

Айниқса, Ёшлар йилида бу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор берилябти. Шу боис ҳам жорий йилнинг дастлабки уч ойида 895 нафар киши касаначиликка жалб этилди. Бу иш ўринларининг 254 таси йирик саноат корхоналари ёрдамида ташкил этилган бўлса, 315 таси кичик саноат корхоналари томонидан йўлга қўйилди.

Қарши шаҳридаги Наврўз маҳалласида истиқомат қилувчи Нодира Расулова касаначилик фаолияти билан шуғулланиб кам бўлмади, оилавий бюджетини мустаҳкамлашга эришди. Жорий йилнинг ўтган ойларида маҳалладаги хотин-қизлардан 12 киши турли ташкилотлардан буюртма олди.

— Мен «Қарши ёғ экстракция» очиқ хиссадорлик жамияти билан меҳнат шартномаси имзоладим, — дейди Гўзалой Бозорова. — Корхона менга барча шарт-шароитларни яратиб берябти. Президентимизнинг биз ёшларга, айниқса, хотин-қизларга кўрсатаётган ғамхўрликларидан ниҳоятда мамнунмиз.

Жорий йилда вилоятда 3578 нафар йигит-қизнинг меҳнат шартномаси асосида касаначилик меҳнати билан шуғулланишлари учун имконият яратилди.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Уққанга балли!

Бидъат қайга бошлайди?

«Mahalla» газетасида чоп этилган М.Қосимованинг «Келиннинг ортидан тош отманг» мақоласини ўқиб, унда билдирилган фикрлар ўринли деб ўйладим. Дарҳақиқат, шу мақолада айтилганидек, тўй-маъракаларимизда адо этиладиган айрим ирим-сиримларнинг маъносини ўзимиз ҳам билмаймиз. Тўйчилик — хурсандчилик деймиз, шу боисдан ундаги ортиқча ирим-лар тўй эгаларига унчалик малол келмаслиги мумкин. Аммо маъракаларда, таъзияли оила аъзоларининг ғам-андуҳи ортиб турган пайт, аллақандай ирим-сиримларни мажбурият даражасига кўтариш — бемаънилик. Шундай ҳолат шахсан ўзимнинг бошимдан ўтган...

...Турмуш ўртоғим тўсатдан вафот этди. Оғир мусибат бизни каловлатиб қўйди. Бир ёқда кўнгилни жудоликнинг оғир, ҳеч чидаб бўлмас изтироби ўртаса, бир ёқда маъракаларнинг айрим шартлари ва ирим-сиримларини тугал адо этиш мажбурияти бор. Бундай пайтда ўргатувчилар кўпайиб, қайси маслаҳат тўғрию қайсиниси нотўғрилигини билолмай қолар экан киши. Қариндошлардан бири «Ўлик чиққан уйда уч кунгача олов ёқиб, овқат пишириб бўлмайди!» деса, қўшни «Қирқ кунгача супра ёйиб, хамир кесилмайди», дея уқтиради. «Қирқ кунгача марҳумнинг хонасида чироқ ўчмасин... Бир йил давомида тўй ва хурсандчилик тантаналарига бормайсиз... Марҳумнинг энг яхши кийимларини мозорга элтиб беринглар...»

Турмуш ўртоғимнинг яп-янги костюм-шимини, кўйлакларию пойабзалларигача мозорга элтиб бердик. Шунда ҳам «Пайпоқ бермабсиз-ку?» дейишди, пайпоқ ҳам бердим. Энди ўйлайман: шу яп-янги костюм-шимни отасидан хотира сифатида ўғлим кийиб юрса бўлмасмиди?..

Маъракаларнинг бирида ёшгина келинчагимизни бир уй аёллар ўртасида мулзам қилишди:

— Ҳай-ҳай, келинпошша, чойни қайтармасдан қуйсангиз-чи! Нима мусибат яна қайтарилишини хоҳлайсизми?..

Хуллас, кўнгилга ҳеч нарса сиғмайдиган, жудолик исканжасида эзилиб турган кунларимизда бундай гапларни кўп эшитдик.

Кунлардан бир куни Ҳожа Аҳмаджон Бобомуроднинг «Эътиқод мусаффолиги йўлида» деб номланган китоби қўлимга тушиб қолди. Китоб Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгаши томонидан ўрганилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси тавсияси билан чоп этилган экан.

Китобни варақлай бошладиму, шуримга худди ёруғлик таралгандек бўлди. Сабаби, ушбу китобда айрим ирим-сиримлар, ақидалар, ҳаттоки зарурнозарур маъракаю маросимларнинг мазмун-мантиқсиз экани фош этилганди. Китобни диққат билан ўқиб чиқдим ва фарзандларимга ҳам ўқишни тавсия этдим.

Абдуғани қори Исмоилов китобга ёзган сўзбошисида шундай фикр билдиради: «Ушбу китобни бир нафасда ўқиб чиқдим. Ундан ўрин олган «Яратилиш ҳикмати», «Момо ҳавонинг яратилиши», мусулмончиликнинг суннатлари ҳақидаги мушоҳадаларни ҳар бир аҳли мўъминнинг билиши ҳам фарз, ҳам қарздир. Афсуски, Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифлардан бехабар бўлган баъзи кишиларнинг исломда қабул қилинмаган, лекин кейинчалик тўқиб чиқарилган ҳар хил ирим-сирим, урф-одатларга амал қилаётганларига ҳам воқиф бўлмоқдамиз...»

Китобнинг ибратли жиҳати шуки, мусулмонликнинг талаб ва қоидалари имкон қадар батафсил ёритилган. «Мусулмон учун исломий соф ақидадан кўра улуғроқ, муқаддасроқ нарса йўқ. Ислом дини ирим-сиримлар ва бидъатлардан пок диндир», деб ёзади муаллиф. Ушбу китобни ўқигач, халқимиз орасида тарқалган ирим-сиримлар, одатлар ва маросимлар айрим чала муллалар, сохта эшонлар, саводсиз отинлар томонидан тўқиб чиқарилган бидъат-хурофотлар экани аён бўлади. Масалан, рўза ойида тухум ейилмайди, деб эшитганмиз. Ушбу китобда «Балиқ еса лукмаси ҳалол бўлади, рўза ойида тухум еб бўлмайди, ўлик чиққан хонадонда сумалак, ҳалим пиширилмайди, ифторликка хамирсиз овқат тайёрлаш лозим...» каби гаплар нотўғри эканлиги айтилган. Муаллифнинг таъкидлашича, эл орасида юрадиган отинлар Бухородаги «Жўйбори калон», Тошкентдаги «Хадичаи Кубро» ўрта-махсус диний билим юртларида ёки Имом ал-Бухорий номидаги Ислом университетида таҳсил олишлари керак. Шундагина улар отинликка муносиб ходима сифатида эл-юрт хизматини адо этиш ваколатига эга бўлишлари мумкин.

Муштарий муносабати:
«Келиннинг ортидан тош отманг», *2008 йил 27 февраль сони*

«Шанба куни кир ювма, сешанба куни тирноқ олиб бўлмайди», деган гапларни кўп эшитганмиз ва шунга амал қилганмиз. Қарангки, китобда: «Ислом динига оид манбаларнинг биронтасида сешанба куни тирноқ олинмайди, шанба куни кир ювиб бўлмайди деган гаплар йўқ, улар асоссиздир», — дейилмоқда.

Китобни ўқиган сари бизни миш-мишлар, хурофот ва бидъатлар ўраб олганига, чалғитганига иқрор бўлдим. Масалан, «Бошига мусибат тушган аёлларнинг кўк кийим кийиб юришлари ҳам ислом дини инкор қилган бидъатлардандир», — дейилади...

Хуллас, «Mahalla»да чоп этилган мақолада таъкидланганидек, турли бемаъни ирим-сиримларнинг аксарият ҳолларда ташкилотчиси ва «билагони» аёллар экан, бу йўналишда чора-тадбир қўллаш учун маҳаллаларда фаолият юритаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларида барча имкониятлар бор, деб ҳисоблайман. Матбуотда бу масаланинг кўтарилиши, қолаверса, Ҳожа Аҳмаджон Бобомуроднинг «Эътиқод мусаффолиги йўлида» деб номланган китоби ҳам ана шу имкониятлар сирасига киради.

Муҳаббат ТУРОБОВА

Саломатмисиз, маҳалладош?

Андижон вилояти

Тиббий кўрик — тансиҳатлик гарови

Олтинкўл тумани марказий касалхонаси ва унинг тасарруфидаги иккита шифохона, тўртта поликлиника, ўттизга яқин қишлоқ врачлик пунктида икки юз нафарга яқин шифокор ҳамда минг нафардан зиёд тиббиёт ҳамшираси аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Ўтган йили тиббий кўрикдан ўтказилган аҳолининг 20 минг нафари диспансер назоратига олинган эди. Уларнинг аксарияти аниқланган касаллик бўйича даволаниб, диспансер рўйхатидан чиқарилди.

— Биз касални даволашдан кўра олдини олган афзал, деган шиорга амал қилган ҳолда иш юритамиз, — дейди туман марказий шифохонаси бош шифокори Аҳмаджон Исроилов. — Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосан туғиш ёшидаги аёллар ялпи тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларда мавжуд бўлган хасталиклар аниқланиб, амбулатория шароитида ва шифохоналарда соғломлаштириш чоралари кўрилди.

Юрт келажаги бўлган ёшларнинг саломатлиги тиббиёт ходимларининг диққат-марказида. Ўтган йилда диспансер назоратига олинган саккиз минг нафарга яқин ўсмир тажрибали шифокор ва мутахассислар ёрдамида соғломлаштирилди. Бу каби ишлар Ёшлар йилида ҳам изчил давом эттирилади.

Соғлом фарзандларнинг дунёга келиши кўп жиҳатдан оила қураётган ёшларнинг саломатлигига боғлиқ. Аслида никоҳ қурувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишдан мақсад ҳам шу. Шифокорларнинг маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда ФХДЁ бўлими ходимлари билан биргаликда ёшлар ўртасида тиббий кўрикнинг аҳамияти ҳақида олиб бораётган тушунтириш ишлари яхши натижалар беряпти.

Ижтимоий ҳимоя йилида туман ҳокимлиги ташаббуси ҳамда ҳомийлар кўмаги билан марказий касалхонанинг жарроҳлик бўлими капитал таъмирдан чиқарилиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Натижада муолажа самарадорлиги ошиб, беморларнинг даволаниш муддати кескин қисқарди.

Жорий йилда туманда Юртбошимизнинг «Республикада тиббиёт муассасалари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда шу соҳада қабул қилинган қарорларга биноан қурилиши тугалланмаган туғруқ мажмуини битказиш, марказий поликлиникага қўшимча бино қуриш орқали кўп тармоқли шифохона ташкил этиш, бўшаган ва янги қурилган биноларда эса ички касалликлар бўлимини ташкил этиш режалаштирилган.

— Аҳоли соғлигини сақлашда тиббиёт ходимларининг қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда иш олиб боришлари жуда муҳим, — дейди Аҳмаджон Исроилов. — Туманимиздаги мавжуд 28 та маҳаллада маслаҳатчилар ва отиноойилар иштирокида фуқароларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш, ёш авлоднинг соғлом улғайишига кўмаклашиш борасида қатор ишларни амалга оширмоқдамиз. Айни кунларда хонадонларда бўлиб, инсон саломатлигида санитария қоидаларига риоя этиш, турар-жойларнинг озодалигини таъминлаш катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида тушунтириш ишларини олиб боряпмиз.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Бурунги ва бугунги маҳаллалар

Тарихий манбаларда Соҳибқирон Амир Темур марказлашган давлат бошқарувини барпо этган пайтда маҳаллага, яъни маълум бир ҳудуд аҳолисига бошчилик қилиш учун жойларда жамоа оқсоқоли сайлангани ва уларга эътибор, ишонч катта бўлгани қайд этилган. Қолаверса, давлат ишларини амалга оширишда ҳам уларнинг хизматига таянилган.

«Муҳтожларни хушнуд этинг...»

«Темур тузуклари»да жамоа оқсоқоллари зиммасига ана шундай масъулиятли вазифалар юклатилган

«Темур тузуклари»да қайд этилишича, ўша даврда жамоа оқсоқолларига, яъни кадхудоларга мамлакатни бошқаришда катта ваколатлар берилган. Жумладан, «Темур тузуклари»да шундай йўл-йўриқлар мавжуд: «Кадхудолар деҳқонлар ва экин майдонларига ишлов берувчиларнинг кўнглини хушнуд этиб, ўзларига қаратсинлар. Фақиру мискин, бирор касб қилишга ожизларга нафақа белгиласинлар».

Шунингдек, тарихимизнинг кейинги даврларига назар ташласак, маҳалла давлат ва жамият бошқарувининг халқчил, бошланғич, катта ҳуқуқ ва ваколатга эга бўлган бўғини ҳисобланганига гувоҳ бўламиз. Унга халқ саралаб сайлаган баобрў инсон — элликбоши, аҳолиси сони ва ҳудуди жиҳатидан йирик ҳисобланган маҳаллаларга амин раҳбарлик қилган.

Бинобарин, ўтган асрларда маҳалла маҳаллий бошқарувнинг ўзига хос шакли, кўриниши сифатида фаолият кўрсатган. Маҳаллани бошқариш ишлари жамоатчилик асосида олиб борилиб, маҳалла оқсоқоли ва жамоатчилик фикри ҳудуд доирасида қарорлар қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Солиқ йиғиш, маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш ва ўтказиш борасидаги юмушлар ҳам оқсоқоллар зиммасида бўлган. Шунингдек, оилавий низолар улар томонидан ҳал қилинган. Амин хазинадан маош олиб турган. Маҳалла маҳкамасида мирза (котиб), қоровулбоши, мироб каби мансабдорлар хизмат қилган. Маҳалла ҳаётига оид муҳим масалалар ҳар бир кўчадан сайланган ўнбошилар билан бамаслаҳат ҳал этилган.

Давлат солиқларидан «жузъя» (жон солиғи) маҳалланинг ғазнасига келиб тушган. Ушбу маблағ маҳалла ободончилиги ва бошқа эҳтиёжлар учун сарфланган. XX асрнинг бошида нашр этилган «Ойина» журнали маҳалланинг таълим-тарбия соҳасига кўрсатган ҳомийлиги тўғрисида шундай ёзади: «Самарқанд атрофидаги мактаб муаллимларига чироғ, ўтун ва таом маҳалла тарафидан берилиб, яна муаллимнинг салоҳиятига қараб 15 сўмдан 30 сўмгача бир ой вазифа берилур».

Хайрия ишларида сарфлаш учун мўлжалланган пул-маблағлар асосан, маҳалла бойлари, ўзига тўқ ишбилармонлардан тўпланган. Амин ва масжид мутаваллиси томонидан маҳалладаги етим-есирлар, бева-бечоралар, ишсизлар, мажруҳлар ва серфарзанд кишилар рўйхати олиниб, ҳайитларда уларга моддий ёрдам, кийим-кечак, буғдой ва бошқа хайрия туҳфалари тарқатилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, давлат бошқарувининг демократик йўли танланар экан, ўзини ўзи бошқарув тизимининг юртимизда қадимдан тўпланган тажрибасига суяниш, бу мақсадда унинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва давлат тузилмасидан ажратиш зарурлиги равшанлашди. Шу муносабат билан маҳалла Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ўз ҳуқуқий мақоми ва ваколатларига эга бўлди. Бу ҳужжатларнинг қабул қилиниши мамлакатимизда маҳалла бошқарувининг янги демократик тизими қарор топишига, аниқроғи, маҳалланинг ота-боболаримиз ақлу идроки билан яратилган асрий қадриятлар сифатида қайта тикланишига йўл очди.

Маҳалланинг аҳамиятли томонларидан яна бири шундаки, миллий анъаналаримиз, қадриятларимизни қайта тиклаш, кўп миллатли мамлакатимизда миллатлараро тотувликни таъминлаш, юртимизда кенг қамровли ислоҳотларни амалга оширишда ҳамда халқимизни ҳамжиҳатликка чорлашда ўзини ўзи бошқариш тузилмаларининг ўрни беқиёсдир. Шундай экан, бугун нафақат маҳалла оқсоқоллари, ёинки, унинг фаоллари, балки шу маҳаллада истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро маҳалланинг фаровонлиги, тинчлиги, бир сўз билан айтганда, Ватан равнақи йўлида ўзининг инсонийлик бурчини унутмаслиги лозим.

Ҳаким АЗИМОВ,
тарих фанлари номзоди.

Олам турфа

100 килограммлик мушук

Гиннеснинг рекордлар китобидан ўрин олган Шимолий Америка ёввойи мушуги — Пуманинг узунлиги 180 см, бўйи эса 80 смгача етади. Унинг оғирлиги 100 килограммгача бўлгани сабабли канадаликлар унга "баҳайбат мушук", "аждарҳо" каби лақаблар ҳам қўйиб олишган.

У оёқларининг ўта бақувватлиги сабабли ўлжа орқасидан баланд тоғларнинг 3000 метрли чўққиларигача кўтарилиши мумкин. Бу ёввойи мушук, ҳатто учиб кетаётган қушни овлаш учун 18 метр баландликгача сакрай олади.

Пуманинг ўлжасини овлаш усули шер, йўлбарс сингари йиртқичлардан фарқ қилиб, у шовқинсиз, турган еридан уч ва ҳатто тўрт метр баландликдаги ўлжасини бемалол тузоғига тушира олади. Одатда улар кичик қушлар, ҳашаротлар, шунингдек, қушларнинг тухумлари билан озиқланади.

Уларнинг кўпайиш мавсуми баҳор фаслига тўғри келади. Ҳомиладор пумалар 90-100 кунгача давом этадиган ҳомиладорликдан кейин 3 тагача болалайди. Ушбу ёввойи мушуклар ўртача 20 йил умр кўради. Кейинги вақтда уларни овлаш ҳаддан ташқари ортиб бораётгани ва кўпайиш нисбатининг камлиги сабабли «Қизил китоб»га киритилиб, алоҳида қўриқхоналарда сақланяпти.

Қашқадарё вилояти

«КЕШБЕГОЙИМ» қизлари

Насиба Жамолова мустақилликнинг дастлабки йилида Шаҳрисабз туманида «Кешбегойим» ўқув марказига асос солган эди.

Дастлаб маҳалладаги 8 нафар қизни ёнига олиб, уларга пазандачилик сирларини ўргата бошлади. Астасекин унга шогирдликка тушиш истагини билдирган қизлар сони кўпая борди. Натижада тадбиркор ўз фаолияти қамровини кенгайтириб, энди ўз уйида эмас, катта бир бинода хотин-қизларга бешта йўналиш бўйича ҳунар ўргатишни ташкил этди. Шундан сўнг у торт, турли ширинликлар тайёрлаб сотиш билан чекланмай, буюртмалар асосида тўй либослари, замонавий пардалар тикиб чиқаришни ҳам йўлга қўйди.

— Бекор юрган қизларни иш билан таъминлаб, ҳунарли қилаётганлигимдан мамнунман, — дейди Насибахон. — Ҳозирда ўқув марказимизга нафақат Шаҳрисабздан, балки қўшни Китоб, Яккабоғ, Чироқчи туманларидан ҳам келган 50 нафардан ортиқ ёшлар ҳунар ўрганишмоқда. Юзлаб хотин-қизлар эса ўқув курсларини тугатиб, маҳаллалар, қишлоқларда ташкил этилган ўқув марказларида ёшларга устозлик қиляптилар.

Айни пайтда тадбиркор Насиба Жамолова воҳа учун янгилик бўлган маҳсулот турини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида хориждан минитехнология олиб келиш учун банк кредитини расмийлаштирмоқда.

Э.ҚУРБОНОВ

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Вобкент туманида жойлашган Уба кулол маҳалласида моҳир ҳунармандлар яшайди. Улардан бири кулолқўғирчоқсозлар сулоласининг еттинчи авлод вакили Қубарой Бобоевадир. Айни кунда Қубарой опанинг ўнлаб шогирдлари бор. Ҳунармандлар ясаган лой қўғирчоқлар, ҳуштаклар болажонларимиз учун яхши эрмак бўлса, хорижлик сайёҳлар бу ўйинчоқларни серқуёш юртимиздан эсдалик сифатида харид қиладилар.

СУРАТДА: *Қубарой опа (чапда) «Олтин мерос» республика жамғармасининг вилоят бўлими раиси Зулайҳо Каримовага ўз ҳунари ҳақида сўзламоқда.*

Бухоро вилояти

Ер эгаси ютуғи

Танти фермер

Ромитан туманидаги Тарнауд маҳалласи ҳудудидаги кўп тармоқли «Маҳалла» фермер хўжалигига Қудрат Муродов раҳбарлик қилади. Саккиз йилдан буён фаолият кўрсатаётган хўжалик ўтган давр мобайнида иқтисодий жиҳатдан ўзини тиклаб олди.

Бугунги кунда хўжаликда 20 нафар киши доимий иш билан таъминланган. Фаолиятини пахтачилик ва ғаллачилик йўналишида бошлаган хўжаликда олинган даромад ҳисобидан чорвачилик, паррандачилик тармоқлари ҳам йўлга қўйилди. Натижада яна тўртта муқим иш ўрни яратилди.

Қудрат ака ҳамқишлоқларининг оғирини енгил қилишни, хайрли амалларни бажаришни ўзининг инсонийлик бурчи деб билади. Яқинда у ўз ҳисобидан қишлоқнинг бир ярим километр узунликдаги йўлини асфальтлаб берди. 4-сонли умумтаълим мактабининг 2 та синфхонаси, ногирон фуқаро Шодди Шириновнинг турар-жойи ҳам фермер хўжалиги ҳисобидан таъмирланди. Кам таъминланган оилалардан бирига эса соғин сигир ҳадя қилинди. Бундан ташқари, фермер ҳар йили Мустақиллик, Наврўз ва Ҳайит байрамлари муносабати билан ҳамқишлоқлари учун тўкин дастурхон ёзишни ҳам канда қилмайди.

— Қудрат Муродовнинг саховатидан маҳалладошларимиз мамнун. Унинг хайрли ишларидан ҳар бир мулкдор ўрнак олса арзийди, — дейди Тарнауд маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Шуҳрат Ражабов.

Ҳамроз АЛИ олган сурат

СУРАТДА: *фермер хўжалиги раиси Қудрат Муродов (ўнгда) йиғин раиси Шуҳрат Ражабов билан.*

Хоразм вилояти

«Меҳр гулшани» ногирон болаларни қўллаб-қувватлаш жамиятида жисмоний имкониятлари чекланган болаларнинг ўқиши, касб-ҳунар ўрганиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар муҳайё.

«МЕҲР ГУЛШАНИ»га меҳримиз бўлакча...»

Қолаверса, бу ерда яшаётган болаларнинг кўнглини олиш, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш мақсадида турли ҳомийлик тадбирлари уюштириб турилади. Жумладан, яқинда ЎзЛиДеП вилоят кенгашининг ҳомийлик ёрдами билан муассаса ҳузурида тикувчилик бўйича ўқув курси очилиб, 6 та тикув машинаси совға қилинди.

— «Меҳр гулшани» маҳалламиз ҳудудида жойлашгани боис саховатли инсонлар кўмагида ҳомийлик ёрдамларини тез-тез уюштириб турибмиз, — дейди Урганч тумани марказидаги Юқори Дўрмон маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Худойберган Машарипов. — Хусусан, яқинда ушбу болалар муассасасига ўқув қуроллари, кийим-кечаклар совға қилинди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Оғабек Собиров ногирон болалар ҳузурида бўлиб, қўшиқ куйлади, шунингдек, у болажонларга ўз ҳомийлик ёрдамини ҳам кўрсатди.

Абдулла САФОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Эҳтиёткорлик — шарт!

ЎТ-ЎЛАНГА ЎТ ҚЎЙМАНГ!

Маълумки, бугунги кунда қишлоқ, овул ва маҳаллаларда ёнғин хавфсизлиги ва фуқаролар осойишталигини таъминлаш мақсадида профилактика инспекторлари, ички ишлар идоралари ва ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ҳамда маҳалла посбонлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш кенг йўлга қўйилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аҳоли яшаш масканлари ҳудудида қуриган ўт-ўланларни ёқиш оқибатида кўплаб ёнғинлар келиб чиқмоқда. Негаки, ўт кетган хас-хашаклар, айниқса, шамол эсаётган пайтларда жуда тез ёйилади ва уни тўхтатиб қолиш осон бўлмайди. Баъзан қуриган ўт-ўланларнинг янгиси тезроқ ўсиб чиқсин, деган мақсадда ёки эрмак учун атайлаб ёқилганига ҳам гувоҳ бўлганмиз. Гарчи ёниб битган ўт ўрнида янгиси тезда униб чиқса-да, лекин орадан бироз вақт ўтгач, унинг ўсиши деярли тўхтаб қолади. Чунки, ўт қўйилган майдондаги тупроқ ва унган майса таркибидаги органик моддалар оловда қуйиб битган бўлади. Қолаверса, хас-хашаклар ёнғини кўпинча катта ёнғинларга, қишлоқ ва қўрғонларда эса бутун бошли турар-жойлар ёки дала ҳовлиларнинг ёниб, кулга айланишига сабаб бўлади.

Ёнғинлар оқибатида атроф-муҳитга тарқаладиган тутун ҳам инсон саломатлиги ва табиат мусаффолигига салбий таъсир этади.

Сўнгги пайтларда ёнғинларнинг аксарияти аҳоли турар-жойларида рўй бераётгани давлат ёнғин назорати ходимларининг фуқаролар ўртасида олиб бораётган тарғибот ишлари етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда. Бунда корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчиларининг масъулиятини ошириш, ёнғин-техник комиссиялари фаолиятини тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ёнғинларнинг олдини олишда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда ўқувчи ёшлар ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб этишга ёрдам берадиган турли тадбирлар ва кўргазмали ўқув машғулотларини доимий равишда ўтказиб бориш ҳам кутилган самарани бериши аниқ.

А.ЖЎРАБОЕВ,
Тошкент шаҳар 12-ҲЁХО 3-алоҳида пост кичик инспектори.

Эй сиз одамлар, эсиз одамлар...

Элмуроднинг муроди ҳаром луқмами?!

Айрим кимсаларнинг мол-дунё, пул илинжида ўзларини ҳар кўйга солишини, минг бир ҳийла-найранг ишлатишини эшитиб, беихтиёр улар фириб дарсини шайтондан олганми, дейсиз. Элмурод Кутлибаев ҳам ўзининг ножўя хатти-ҳаракатлари билан ана шундай кимсалар тоифасидан эканини кўрсатди. Ўттиз олти ёшга кириб на оила қурган, на бирон тайинли касб-корнинг бошини тутган Элмурод беш марта қамалиб чиқса ҳам, тавбасига таянмади. Аксинча, фойдали иш билан шуғулланиб, ҳаётини тўғри изга солиш ҳақида бош қотиришдан кўра бел оғритмай ўзгаларнинг мол-мулкини қўлга киритиш учун жиноий режа пишитишни афзал билди.

2007 йилнинг 8 июль куни Элмурод "09" — маълумот-хизмат бюроси телефон рақамига кўнғироқ қилиб, жиноий режасини амалга оширишда асқотиши мумкин бўлган муассасаларнинг телефон рақамларини билиб олди. "Иш"ни пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган марказий поликлиникадан бошлашга қарор қилди. Ўша заҳоти муассасага кўнғироқ қилди. Гўшакни кўтарган ҳамширага ўзини юқори ташкилотлардан бирида масъул лавозимда ишловчи "Жалил" исмли киши деб таништириб, эртаси куни зарур иш юзасидан поликлиникага ходимларидан бирини юборишини, бундан бош шифокорни хабардор қилиб қўйишни тайинлади. Эрталаб бош шифокор С.Ҳамидовага учрашиб, ўзини "Олмоз" деб таништирган Элмурод ўзи хизмат қилаётган ташкилот томонидан ҳомийлик ёрдами сифатида поликлиника биносини таъмирлаш учун маблағ ҳамда автомашина ажратилаётганини маълум қилди. Кутилмаган таклифга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай ҳайрон турган бош шифокорга:

— Айни пайтгача бундай ҳомийлик ёрдами кўплаб шифохоналарга кўрсатилди. Навбат сизларга келди. Ҳозир бинони айланиб чиқиб, бажарилиши керак бўлган ишлар билан танишиб олишим керак. Ажратилаётган автомашинанинг ҳужжатларини шу бугуноқ тайёрлашимиз лозим. Агар вақтингиз бўлса, бирга бориб кўриб келамиз, — деди.

Улар бинони айланиб чиқишди. "Олмоз" ён дафтарига таъмирланиши керак бўлган жойларни, қандай тиббий жиҳозлар олиниши зарурлигини қайд этиб борди. Кейин Ҳамидовани Собир Раҳимов номидаги метро бекати ёнидаги автосалонга бошлаб бориб, у ердаги машиналардан бирини кўрсатди. Салон ходимларига ҳужжатларни расмийлаштириб туришни, уловни кейин олиб кетишларини айтди. Автомашина масаласи ҳал бўлгач, Яккасарой туманидаги эшик ва дераза ромларини тайёрловчи корхонага келиб, ён дафтарига қайд этиб олган ўлчовларни берди.

— Хўш, энди машина ҳужжатларини сизнинг номингизга расмийлаштиришимиз керак, — деди Элмурод. — Бунинг учун иккита фотосурат, паспортингиз нусхаси ва ўттиз минг сўм пул керак бўлади.

Кутилмаган ҳомийлик ёрдамидан хурсанд бўлган Ҳамидова ҳужжатларни дарҳол битта иш жилдга жойлаб унга берди ва биргаликда Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 5-автокорхонага келишди. Элмурод ичкарига кириб кетиб, бироздан сўнг хурсанд ҳолда қайтиб чиқди:

— Иш битди, соат 4 да машинани ўзлари келтириб беришади. Энди таъмирловчи усталар билан гаплашсак, масала ҳал, — деди ва кимгадир кўнғироқ қилмоқчи бўлиб, чўнтагидан уяли алоқа воситасини олди. — Эй, аттанг, телефонимнинг зарядкаси тугаб қопти-ку. Ҳали яна қанча ишларни битказишим керак эди-я. Майлими телефонингиздан фойдаланиб турсам? Эртага албатта, қайтариб бераман.

Фирибгарнинг устомонлик билан қўйган тузоғига илинаётганини хаёлига ҳам келтирмаган Ҳамидова дарҳол "NOKIA 6020" русумли уяли телефонини унга тутқазди.

— Югур-югур билан бўлиб тушлик қилишга ҳам улгурмадик. Сиз ишхонага қайтиб, овқатнинг ҳаракатини қилинг. Усталарни ҳайдовчингиз билан бориб ўзим ҳал қилиб келаман, — деди Элмурод.

Кечки пайт ҳайдовчининг ёлғиз қайтганини кўрган бош шифокорнинг кўнглига шубҳа оралади ва ўзига тегишли телефон рақамини терди. Ҳамидова чув тушганини "Олмоз" унинг кўнғироқларини жавобсиз қолдирганидан кейин англади.

Худди шу "сценарий" 10 июль куни Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 15-сонли Болалар санъат мактабида, 11 июль куни Тиббиёт санитария бирлашмаси 2-марказий поликлиникасида ҳам такрорланди.

Кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек, ўзини ғоят уддабурон ва қўлга тушмас санаб юрган Элмурод барибир тузоққа тушди. У навбатдаги объект сифатида Тошкент вилояти ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармасини танлади ва 21 июль куни эрта тонгда бошқарма эшиги олдида пайдо бўлди. Ўзини "Тимур" деб таништирган кимсанинг ташқи кўринишидаги ва бежо ҳаракатлари бошқарма бошлиғи Х.Ибрагимовда шубҳа уйғотди. Бу сафар фирибгар жабрланувчини Амир Темур кўчасидаги автомашиналарни ювиш жойига бошлаб келиб, у ерда сотилаётган "HUNDAY" русумли автомашинани кўрсатди. Автомашина эгаси ҳадеганда етиб келавермагач, Элмурод вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими биносига бориб келишларини айтди. Унинг бинога кириб кетганидан фойдаланган Ибрагимов шубҳаларининг ўринли ёки ўринсиз эканини аниқлаш мақсадида "Тимурнинг хизмат жойи"га қўнғироқ қилиб вазиятни ойдинлаштириб олди.

Кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек, ўзини ғоят уддабурон ва қўлга тушмас санаб юрган Элмурод барибир тузоққа тушди.

Хушёрликни бой бермаган Ибрагимов билан доимий алоқада бўлиб турган ҳуқуқ-тартибот ходимлари зудлик билан етиб келиб, фирибгарнинг қўлларига кишан солишди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани судининг 2007 йил 30 октябрдаги очиқ суд мажлисида муқаддам содир этган жиноятлари учун бир неча марта судланган хавфли рецидивист Қутлибаев Элмурод Сатиболдиевич Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир неча моддаларининг тегишли бандларига кўра айбдор деб топилди ва унга қонуний жазо тайинланди.

Ҳукм ўқилиб, айбдорнинг жазога тортилгани негадир кишини қаноатлантирмайди. Ўз "тадбиркор"лигини эзгу мақсадларга йўналтирганда, жамият учун фойдаси тегиши мумкин бўлган бир инсоннинг умри хазон бўлаётгани кишини ўйга толдиради. Ота-она фарзандига эл-юртнинг корига ярайдиган инсон бўлсин деб Элмурод номини беришган эди. Афсуски, нобакор ўғил бу номга лойиқ бўлолмади, аввалги хатоларидан тўғри хулоса чиқариб олмади. Дилга таскин берадиган биргина умид бор — унинг кўзлари зора бу сафар очилса!

Фотима АЗИМОВА,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани судининг судьяси,
Шаҳноза ЭРҒАШЕВА,
"Mahalla" мухбири.

2008 йил – Ёшлар йили

Пойтахтимизда "Баркамол ёшларни тарбиялашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни" мавзуида форум бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ташаббуси билан ташкил этилди.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИда МАТБУОТнинг ЎРНИ

Форумда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг мутасаддилари, мамлакатимиздаги етакчи ёшлар нашрларининг бош муҳаррирлари, олий таълим даргоҳларининг журналистика факультети ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси А.Алимов, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори М.Усмонов, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Ж.Ҳакимов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати О.Ўсаров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида ёш авлодни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол шахслар этиб тарбиялаш мақсади мужассам эканини таъкидладилар.

Ёшларнинг тўлақонли таълим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз қизиқиши ва қобилияти, интилиши асосида касб-ҳунар эгаллаши учун барча имконият ва шароитлар яратилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган ва изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган "Ёшлар йили" Давлат дастури ёш авлодга оид барча долзарб масалаларни ҳал этиш, таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, йигит-қизларнинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш каби олижаноб мақсадларга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Форумда "Маънавий баркамол ёшларни тарбиялаш – мамлакат тараққиётининг муҳим омили", "Ёшларнинг маънавий юксаклигини таъминлашда таълим муассасалари, давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини ошириш", "Оммавий ахборот воситаларида ёшлар мавзусининг ёритилиши" каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Куни кеча Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ҳамда ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан юртимиздаги босма матбуот нашрларида фаолият юритаётган журналист хотин-қизлар ўртасида иккинчи бор ўтказилган «Матбуот маликаси» республика кўрик-танлови совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танловда иштирок этган таҳририятимиз ходими Наргис Бердибоева кўрик-танловда ғолиб чиқиб, «Матбуот маликаси» деган номга мушарраф бўлди.

Р.ГАЛИЕВ
олган сурат.

Мозийдан мерос

ТЎЙТЕПА — ХАЗИНАГА БОЙ ТЕПА

Юртимиз ҳудудида ҳунармандчилик, илм-фан, маданият ва санъат жуда қадимдан ривожланган. Бағрида мозийнинг сир-асрорларини сақлаб ётган қадимий тепалик ва хароба-ларда олиб борилган қазишмалар натижа-лари ҳам шундан далолат беради.

...1875 йилнинг кўклами серёғин келди. Кучли ёмғир ёғиб, эски Тўйтепанинг қадимий тепаликларини сел ювиб кетди. Эртаси куни шу ердан подасини ҳайдаб ўтаётган чўпоннинг кўзи баногоҳ тупроқ остидан чиқиб турган кўза ва хум синиқлари, шиша ва сопол парчалари, сочилиб ётган тангаларга тушди. Қизиқсиниб қолган чўпон қўлидаги таёғи билан у ер-бу ерни кавлаб кўрди ва ҳайратдан қотиб қолди — тупроқ остида сопол ва шиша буюмлар, сопол қорачироқ, темирдан ясалган меҳнат қуроллари, тақинчоқлар, тангалар, уйрўзғор буюмлари ва бошқа қадимий ашёлар бор эди. Чўпоннинг топилмалари маҳаллий аҳоли ўртасида шовшувга сабаб бўлди, кимдир бу ҳақда газеталардан бирига хабар беришга ҳам улгурди. Бу воқеадан сўнг тепаликлар одамларни ўзига оҳанрабодай торта бошлади, баъзи бировлар хазина топиш илинжида тепаликларни қазишга киришди. Хазина изловчиларнинг уринишлари бесамар кетмади — сополдан ясалиб, турли рангларда сир берилган уйрўзғор буюмлари, ҳар хил ҳажм ва шаклдаги қорачироқлар, сопол халқа, тошдан ва бошқа қимматбаҳо металлардан ясалган тақинчоқлар, тангалар ва бошқа буюмларни топишди. Архивларда айрим ашёларнинг 1875 йилнинг июнь ойида Тошкент музейига топширилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар сақланиб қолган.

«Туркестанские ведомости» газетасининг 1875 йилги бир неча сонида ўзбошимчалик билан қазиш ишларини олиб бориб, топилган бебаҳо олтин ва кумуш буюмларни сотиб, чайқовчилик қилаётган кишилар ҳақидаги мақолалар кетма-кет чоп этилган. Мақолалардан бирида ёзилишича, ҳатто маҳаллий заргарлардан бири дўкон очиб, фақат тепаликлардан топилган қимматбаҳо буюмларни сотиш билан шуғулланган. Унинг дўконидаги топилмаларнинг қиймати тахминан тўрт юз тиллога баҳоланган. Яна бир кимса шиша идишга солинган олтин қипиғи ва бошқа қимматбаҳо буюмларни топиб олиб, уларни пуллаган.

Битмас-туганмас хазина дарагини эшитган Петербург университетининг профессори Н.И.Веселовский Россия археология жамиятидан рухсат олиб, 1884 йилнинг охирида Тошкентга келади ва 1885 йилнинг ёзида маҳаллий аҳоли вакилларидан бир нечтасини ёллаб, тепаликларда қазиш ишини бошлаб юборади. Тепаликлар уни ҳам «қуруқ қўймади» — олим кўплаб қадимий буюмлар, сопол ҳайкалчалар, қимматбаҳо зеб-зийнат ва тақинчоқлар, темир ва тошдан ясалган иш қуролларини қўлга киритди.

Тўйтепаликлар Веселовскийдан кейин ҳам хароба-ларни кавлаб, анча-мунча нарсаларни топишган. Ушбу топилмалар ҳақидаги қизиқарли хабарлар эса газеталарда пешма-деш бериб борилган. «Туркистон вилояти» газетасининг 1888 йил 28 март сонида қуйидаги мазмунда хабар босилган: «Тўйтепада мардикорлар ер қазиб турган вақтида икки мис қумғон топилди. Ул қумғонлар эскидирлар. Вақт ўтиши билан уларнинг ичи ва ташқариси қалин қабат занглаб, таглари тушиб, ёнларида занглаганидин тешилган жойлари бордур. Ул қумғонларни кўп меҳнат бирлан бир уста тозалагандин кейин маълум бўлдиким, бир қумғонда боши одам, бошқа аъзоси йўлбарс сурати ва яна бир бошқасида икки шул тариқа суратлар бор. Андин бошқа иккита қумғонда ўқилиши қийин мусулмон хати бор экан. Бу қадимий топилмани дарҳол Тошканд тарих музейига топширдик...»

Тўйтепадан топилган қадимий топилмаларнинг айримлари айни пайтда турли музейларда сақланмоқда.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

Донолларнинг дурдона фикрлари

Ҳакимнинг уч қуроли бор: сўз, гиёҳ ва тиғ.
Ибн СИНО

Шифокорларнинг очиқ чеҳраси беморнинг соғайишидан дарак беради.
Ф.РОХАС

Таом емоғингда бўларкан меъёр,
Сиҳату солимлик бўлар сенга ёр.
Юсуф ХОС ХОЖИБ

Ишонч ва умидли кишининг келажаги бор.
ШЕФЕР

Сабрли киши хоҳлаган ниятига етади.
Б.ФРАНКЛИН

Куй-қўшиқнинг мислсиз қудрати чиндан ҳам илоҳийликка дахлдор. Кишини мувозанатдан чиқаришга-да қодир бўлган мусиқий асарлар ижодкорлари, оддий ёғочдан мўъжиза яратувчи асбоб ясайдиган усталар ҳеч бир муболағасиз юксак эҳтиромга лойиқ. Негаки, беназир куй-қўшиқлар ҳар куни яралавермагани каби жарангдаган соз ҳам ҳар куни ясалавермайди.

"ЗАҲМАТ ЧЕКДИМ, ЗАВҚ ТОПДИМ"

— дейди тўрақўрғонлик соз ясовчи моҳир уста

Тўрақўрғон тумани ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлими қошида миллий чолғу асбоблари яасайдиган устахона ташкил этилганига ўн йилга яқин вақт бўлган. Бир неча йил «Дилшод» ашула ва рақс халқ ансамблида устозлардан соз чертиш ва куйлаш сабоқларини олган Рашидхон Юсупов ташаббуси билан фаолият бошлаган устахонанинг довруғи бугун бутун республикага кетган. Ўн йиллар аввал ўткир зеҳни ва иқтидори ила устозлар назарига тушган чолғучи ва ҳофиз Рашидхон ака бугун вилоятда саноқли бўлган миллий мусиқа асбоблари ясовчи моҳир уста.

Соз ясовчи устага қўйиладиган алоҳида талаблар бор: у соз чертишни созандадан кам билмаслиги керак. Бундан ташқари, таъб нозиклигида шоир, сабр-қаноатда заргардек бўлиши шарт. Негаки, бу бир кунлик ёки бир ойлик меҳнат эмас. Битта жарангдор соз пайдо бўлгунча балки йиллар керак бўлар. Бундай заҳматга эса ҳар ким ҳам ирода билан ёндаша олмайди.

...Устахонага кирган киши беихтиёр хушкайфият таъсирида қолади. Унчалик кенг бўлмаган хонанинг торгина йўлакчаси, турли асбоблар тўла стол, деворларга осиб қўйилган рубоб, ғижжак, тор, дутор, танбур, сато кабиларнинг тайёр, чала битган макетлари. Буларнинг бари бир уйғунлик ҳосил қилади-ю, мўъжаз ижодхона сизни ҳам ўзига ром этади.

— Ҳунарнинг осони йўқ, — дейди Рашидхон уста. — Агар манманликка йўймасангиз, бир гап айтаман: устанинг дили пок бўлсагина, ясаётган сози жарангдор чиқади. Негаки, бу илоҳийлиги бор соҳа: у энг аввало ҳалолликни талаб қилади. Рағбатидан заҳмати кўпроқ. Бироқ мен бу заҳматлардан топган завқни бошқа ҳеч нарсага алмашмайман.

— Тошкентда ЮНЕСКО ва Япония Ишонч жамғармаси ҳамкорлигида «Шашмақом Марказий Осиёнинг мумтоз мусиқасини сақлаш лойиҳаси» доирасида ўтказилган «Анъанавий мусиқа чолғулари» кўргазмасида республика бўйича қатнашган ўн тўрт нафар уста қаторида мен ҳам бор эдим. «Ташаббус—2008» кўрик-танловининг вилоят босқичи сорвиндори бўлдим. Бу ҳар қандай касб эгаси учун катта рағбат. Мен учун кечагина устахонам деворида осиғлиқ туриб, бугун моҳир созанда қўлида жаранглаб, тингловчисини сеҳрлаб қўйган соз оҳангини тинглаш ҳам қувончли.

Созанда ва машшоқлар чорловида ўтадиган йиғинлар қадимдан «Мажлиси саноий нафис» дея улуғланган. Бугун ҳам Рашидхон Юсуповдек санъаткор усталар заҳмати билан яралган жарангдор созлар оҳангидан минглаб санъат ихлосмандлари қалби завққа тўлмоқда.

Маҳмуда ҚОДИРОВА,
«Mahalla» мухбири.

Ҳаётдан олмасак сабоқ...

ЧИҚИНДИни сувга оқизманг!

Кейинги пайтларда авж олаётган турли касалликлар, иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар экологиянинг ифлосланиши оқибатида келиб чиқяпти, деган сўзлар қулоғимизга тез-тез чалиниб турибди. Бироқ экологиянинг ёмонлашуви фақат глобал ўзгаришлар, хусусан, юртимизда Орол денгизи сув сатҳининг пасайиб кетиши билангина боғлиқ эмас, албатта!

Баъзан ўзимиз яшаб турган маҳалладаги муюлишларда, уйларнинг атрофида, айрим корхона, ташкилот ҳудудларида, кўча, ариқ ва зовур бўйларида чиқиндилар уйилиб ётганини кўриб, таъбимиз бузилади. Баъзи маҳалладошларимизнинг лоқайдлик билан чиқариб ташлаган чиқиндиларидан атрофга тарқалаётган заҳарли ҳаво ўзимизга ва табиатга катта зиён етказаётгани аниқ.

Кўпинча уй-рўзғорда чиқиндиларни чиқариб ташлаш ёшлар зиммасига юкланади. Улар эса махсус ажратилган жойга боришга эриниб, чиқиндиларни оқиб турган ариққа ёки йўлнинг устига чиқариб тўкишади. Бундай ҳолатда эса табиийки, ёшларга ёши улуғ инсонларнинг ўгитлари, панд-насиҳатлари даркор.

Маълумки, барча маҳаллаларда чиқиндиларни ташийдиган транспорт воситалари мавжуд эмас. Бундай ҳудудларда чиқиндиларни чиқариб ташлаш билан боғлиқ муаммолар юзага келаётганини иркор этиб бўлмайди. Бироқ қувонарлиси, айрим фуқаролар йиғинлари ички имкониятларидан фойдаланиб, трактор сотиб олишган. Демак, бу каби имконияти йўқ, аммо экин майдонига эга бўлган қишлоқ ва шаҳар аҳолиси рўзғор чиқиндиларининг бир қисмини ўзининг ерида компост йўли билан чиритиб, ернинг унумдорлигини оширадиган ўғитга айлантиришни йўлга қўйса, ҳам чиқиндилар камаяди, ҳам минерал ўғитларни сотиб олиш учун сарфланаётган ортиқча маблағ тежалади. Қолаверса, етиштирилаётган мева-сабзавотларнинг экологик тозалиги ҳам шу билан боғлиқдир.

Кўпчилигимиз яхши биламиз, Хоразм воҳасида дарахт кўчатлари бошқа ҳудудлардаги қарағанда бироз секин ривожланади, бўй тортмайди, айрим дарахт турлари эса узоқ яшамайди. Кейинги йилларда юртдошларимиз ташаббуси билан умумхалқ ҳашарлари тез-тез уюштирилаётгани ва бу жараёнда миллионлаб дарахт кўчатлари ўтказилаётгани қувонарлидир.

Дарахтлар йўлларни мустаҳкам тутади, ерни эррозиядан сақлайди. Бу соҳада бажарилиши лозим бўлган тадбирлар тўлиқ амалга оширилса, ерларимизнинг шўрланиш даражаси пасайиб, деҳқончилик қилиш учун янада қулай шароит яратилади.

Шунингдек, баъзи ҳудудларда янги турар-жой бинолари қурилаётганда сув йўлларининг тўсилиб қолиш ҳолатлари учрамоқда. Айниқса, қишлоқларда томорқа ерларини суғориш шохобчалари йўқолиб кетиши оқибатида экинларни ер ости қудуқлари ёрдамида суғоришга тўғри келяпти.

Шу ўринда бир мулоҳаза: барча мактаб ва коллежларда табиат фанларидан дарслар ўтилади. Одатда уларнинг аксарияти бошқа дарслар қатори синфхоналарда ўтказилади. Мазкур фан машғулотлари табиат қўйнида, боғ ва гулзорлар бағрида, сув ҳавзалари бўйларида ўтказилса, болаларнинг она табиатга бўлган меҳри янада ортади. Хусусан, машғулотлар давомида атроф-муҳитга етказилаётган зарарлар қандай оқибатларга олиб келаётгани мавжуд мисоллар асосида тушунтирилса, ўқувчиларда кўникма шакллaниб боради. Бундан кўзланган мақсад эса аниқ: ёш авлодни табиатга нисбатан шафқатсиз қилиб эмас, балки меҳрли қилиб тарбиялашдир.

Нодир ОТАЖОНОВ
Хоразм вилояти



Тошкент шаҳри ҳокимлиги томонидан Талипова Санаат Рамизовна номига 2004 йил 1 ноябрда берилган якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги 0600854 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти томонидан 1994 йил 28 июнда Тажимуратов Асанбай Сейтмурадович номига берилган 018040 рақамли (реес. рақами 6619) диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Ҳаётингизга рангбаранглик киритишга ҳаракат қилинг. Айниқса, шу кунларда арзимас муаммоларни деб, кайфиятингизни туширимаганингиз маъқул.

СИГИР(22.04-20.05)
Бўш вақтингизни беҳуда сарфлашга одатланманг. Акс ҳолда молиявий жиҳатдан қийинчиликларга дуч келишингиз мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Режалаштираётган ишларингиз кутилганидан кўра кўпроқ даромад келтириши мумкин. Жума савдо ишларини амалга ошириш учун қулай кун.

КИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Шу кунларда юзага келадиган моддий қийинчиликлар туфайли тушкунликка тушманг. Шахсий муносабатларда самимий бўлишга интилинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Баъзида атрофдагиларга нисбатан ўта талабчан бўлиб кетасиз. Бундай ҳислатингиз кўзлаган мақсадга эришишингизда янада кенгроқ имконият яратади.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Одатда байрам тадбирларини хуш кўрадиган мазкур бурж вакиллари айни кунларда кўпроқ осудаликка интилишади. Шу боис ҳафта давомида кўпроқ дам олинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Ҳафтанинг биринчи ярмида соғлиғингиз билан боғлиқ муаммолар юзага келиши мумкин. Энг муҳими, бунга масъулиятсиз ёндашманг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ҳужжатларни расмийлаштириш ёки уйжой олди-сотдиси шу кунларда муваффақиятли кечиши кутилмоқда. Пайшанба куни хушхабар эшитасиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Мазкур ҳафта қизиқарли тасодифларга бой бўлиши мумкин. Ишда эса ўта масъулиятли масаланинг ечимини топишни айнан сизга топширишади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Ўзингиз билмаган ҳолда фаолиятингизда йўл қўйган камчилик ва хатоларингиз туфайли жамоа олдида ноқулай аҳволга тушиб қолишингиз мумкин. Жума куни қизиқарли учрашув кутилмоқда.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Бу ҳафтада ортиқча сарф-харажат қилмай, тежамкорроқ бўлишга ҳаракат қилинг. Сиздан фарзандлар тарбиясига ҳам эътиборлироқ бўлиш талаб этилади.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Шу кунларда сиздаги фасл билан боғлиқ аллергик хасталикларининг кўзғалиш асабингизга салбий таъсир этади. Бундай пайтда ёқимли мусиқа руҳан кўтаринки кайфият бағишлайди.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шухрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.
Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Котибият — 236-55-69
Хатлар бўлими: 236-57-62

2008 йил 2 апрель
14 (616)
17875 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-320 Топширилди — 22.50
1 2 3 4 6